



O'ZBEKISTON  
YOSHLAR  
ITTIFOQI

2018-YIL 6-YANVAR,  
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

2  
(16160)

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ОДАМЛАР ҲАР БИР ТИЗИМДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ СЕЗИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 3 январь куни Вазирлар Маҳкамаси комплекслари фаолиятини таҳлил қилиш ва янги устувор вазифаларни белгилашга бағишланган йўғилиш бўлиб ўтди.

Йўғилишда Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ҳукумат аппарати қайта шакллантирилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида Таълим, соғлиқни сақлаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари комплекси ҳамда Инвестициялар, инновацион ривожлантириш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш, туризм масалалари комплекси ташкил этилди.

Йўғилишда мазкур икки комплекснинг ўтган даврдаги фаолияти таҳлил қилиниб, 2018 йилга мўлжалланган режа ва устувор вазифалари муҳокама этилди.

Президентимиз кун тартибидagi масалага танқидий ёндашиб, аксарият ташкилотлар ўз фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил эта олмаётгани, қабул қилинган қарор ва дастурларни бажаришда сусткашликка йўл қўяётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни, ижро органлари ишидаги ўзгаришларни жойларда одамлар сезиши керак. Бунинг учун кўйи бўғиндаги ишлар самарадорлигини ошириш, оддий одамларнинг дарди ва ташвиши билан яшаш барча раҳбар ва мутасаддилар фаолиятининг асосий мезонига айланиши зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси замонавий давлатчилигимизда улкан ўзгариш ясаган тарихий воқеа бўлди. Унда 2017 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни билан бирга, мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар белги-лаб берилди.

Йўғилишда Мурожаатномадан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирлик ва идоралар олдига турган муҳим вазифалар ҳақида сўз юритилди. Амалга оширилган ишлар ва истикболдаги режалар юзасидан мутасаддиларнинг ахборотлари тингланди.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, мактаб таълими сифатини ошириш, тест синовлари ва олий ўқув юрталари фаолиятини такомиллаштириш, спортчиларни бўғуси мусобақаларга тайёрлаш борасидаги ишларга эътибор қаратилди. Соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ вазифаларга тўхталиб ўтилди.

Йўғилишда иқтисодий соҳа ва тармоқларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, жумладан, қатъий пул-валюта сиёсати юритиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари фаолиятини кучайтириш, ҳорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, замонавий саноат корхоналари барпо этиш, янги иш ўринлари яратиш, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш каби масалалар ҳам атрофдаги муҳокама қилинди.

Ўза

## DOLZARD MAVZU

## ЭЪТИҚОДИМИЗ, ЭЪТИРОМИМИЗ МАНЗИЛИ

Муҳаммадjon КУРОНОВ,  
педагогика фанлари доктори, профессор

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ҳуқуқий ҳаётимиздаги катта воқеа бўлди.

Конституция. У биз ишлаётган ёки дам олаётганимизда ҳам, ўқишда ё саяхатда бўлганимизда ҳам ишлайди. У метин интизом билан, тинимсиз, кеча-кундуз ҳаракатдан тўхтамайидиган юракка ўшайди. Юракни ҳам, қонунни ҳам яхши ишлаганда сезмаймиз. Кўрагимиздаги "жиз" этган оғриқдан ёки бирор қозғоғоз сарсон қилиб, ранжитганимиз дардор эслаймиз. Шу боис ҳар кун соғлигимизга шукрона айтганимиздек, ҳуқуқларимиз ҳимояси учун ҳам шукрона айтишимиз керак. Бу ҳуқуқий шукроналаримизнинг бошида Конституция ва унинг қабили — Ўзбекистон Республикаси Президенти турибди.

Дунёнинг маърифатли миллатлари ўз раҳнамоларини, жумладан, конституция муаллифларини абадий эъзозлайди. Маърузада бундан 25 йил аввал Асосий қонунимизни яратишда унутилмас хизмат қилган инсонлар номи чўқур ҳурмат билан тилга олинди. Биринчи Президентимиз муҳтарам Ислам Абдуганиевич Қаримов раҳбарлигида 1990 йил июнь ойида тузилган комиссиянинг икки йиллик машаққатли меҳнати, Конституцияимизнинг учала лойиҳасини ишлаб чиқиши тарихи баён қилинди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг комиссия аъзоси сифатидаги хотиралари, ушбу тарихий воқеа жараёнидаги қизгин баҳс-мунозаралар, турли ғоя ва фикрлар, умум-халқ муҳокамасида киритилган тузатишлар эслаб ўтилди.

Президентимиз Асосий қонунимиз талабларини тўлиқ амалга ошириш учун халқимиз ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалда таъминлаш бўйича ҳали кўп ишлар қилишимиз кераклигини таъкидлади. Маърузада ўта муҳим, принципиал, амалий вазифа белгилаб берилди. Яъни, **одамларимиз ислохотлар самарасини келажакда эмас, балки бугун ўз ҳаётида ҳис этиши зарур.** Бугун, ҳозир бахтли бўлиш — ҳар бир инсоннинг мудоаси. Биз кўп йиллар давомида бахтни бугун эмас, келажакда кўришга ўрганиб қолгандик. Бизга "катта бўлсан", "кейинги беш йилликда", "Худо хоҳласа", "коммунизмда" бахтли бўласан, дея тушунтирилган эди. Фидойи бўлиб, кўп ишлашимиз ҳам бизни бахтли қилмасди. Чунки ихтиёр ўзимизда бўлмаган-да.

(Давоми 3-саҳифада)

## ИСЛОХОТЛАРДАН КЎЗЛАНГАН АСОСИЙ МАҚСАД — АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИгини ЮКСАЛТИРИШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 5 январь куни Тошкент вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб, Зангиота туманидаги "Highway Logistics" логистика марказига таъриф буюрди.

Кўп тармоқли хизмат турларини ўзида жамлаган, замонавий қўлайликлар яратилган марказ фаолиятини ташкил этишда Германия, Франция, Россия, Қозғоғистон, Грузия каби давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси ўрганилди.

Умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёд ва ҳудуди 14,2 гектар бўлган марказда 350 иш ўрни яратилган. Унинг экспорт ва импорт товарлари учун логистика хизматлари кўрсатиш йиллик қуввати 1 миллион 200 минг тоннага тенг.

Марказ ҳудудида божхона бўлими ташкил этилган. Бу ерда марказлашган маҳсулотлар омбори, божхона пости, банк, декларация тўлдирди, сертификатлаштириш ва кўриқдан ўтказиш бўлимлари, логистика хизматлари кўрсатиш, товар жўнатиш ва қабул қилиш компаниялари, божхона брокерлари фаолияти йўлга қўйилган.

Бу каби логистика марказлари-

ни ҳар бир вилоятда ташкил қилиш керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлашда замонавий технологияларни қўллаш бўйича мутасаддиларга зарур кўрсатмалар берилди.

Шу ернинг ўзида Тошкент вилоятининг экспорт салоҳиятини ошириш, 2018-2019 йилларда мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш, чорвачилик, иссиқхона хўжалигини ташкил этиш, чарм-пойабзал соҳасини ривожлантириш дастурлари тақдироти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Зангиота туманидаги Зангиота қўшонидаги Курён тиловат қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янгийўл шаҳридаги "Файзли" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлди.

Шу ерда Янгийўл шаҳрининг Бош режаси лойиҳаси, шаҳардаги кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш дастури ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замонавий технологиялар асосида такомил-

лаштириш борасидаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Янгийўл шаҳрида қарийб 87 минг аҳоли истиқомат қилади. Шаҳарда 241 та кўп қаватли уй бўлиб, уларга хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади.

Давлатимиз раҳбари хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини замон талаблари даражасида такомиллаштириш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий қилиш зарурлигини таъкидлади. Жорий йилда Янгийўл шаҳридаги кўп қаватли уйларни таъмирлаш, 7 қаватли 12 та янги уй-жой қуриш, замонавий боғ, бозор, супермаркет, кўприк барпо этиш бўйича топшириқлар берди.

Президентимизга тақдим қилинган лойиҳалардан шаҳарда оқова сув тармоқларини реконструкция қилиш ва янгилаш дастури, Қибрай ва Зангиота туманларида сув таъминотини яхшилаш, Чирчик шаҳрининг иссиқлик тизимини такомиллаштириш каби маълумотлар ўрин олди.

Давлатимиз раҳбари "Файзли" маҳалла фуқаролар йиғини профилактика инспектори Анвар Ташевнинг хонадонида бўлди.

(Давоми 2-саҳифада)

## MUNOSABAT

## Янги Университетда Албатта ўқийман!

Шохрух ИБДУЛЛАЕВ

Бугунги медиа макон доирасида ахборотни аҳолига тезкор ва сифатли тарзда етказиш ниятда долзарб ҳисобланади. Бу оммавий ахборот воситалари ҳамда соҳа вакиллари олдига янги талаблар қўйиши табиий. Замонавий тенденциялардан миллий журналистикани ҳам ортида қолмаслиги керак, албатта.

2017 йилнинг 22 декабрь куни Ўзбекистон тарихида ilk марта Президент парламентга Мурожаатнома тақдим этди. Уша қизгин жараёни ойнаи жаҳон орқали катта ҳаяжон билан кузатдим. Қалбимда юксак озу-истаклар кўртас эди.

Сабаби Мурожаатномада биз, ёшларнинг ҳаётига дахлдор қўлдан-қўл муҳим гаплар айтилди. Мухтарам Юртбошимизнинг нутқини дилимдан ўтказиб тингладим. Журналистикага қизиққан бўлиб, Шавкат Мирзиёевнинг соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини ислох қилишга доир тақлиф-мулоҳазаларини ўзгача иштиёқ билан қабул қилдим. Айниқса, замонавий билим ва кенг тафаккурга эга, халққаро талабларга жавоб берадиган забардаст журналистларни тарбиялаб берувчи янги ўқув даргоҳи — Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетини ташкил этиш госянин илгари сурганида бешад қувондим. Олдимга қўйган мақсадим янада қатъийлашди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистондаги учта олийгоҳда журналист кадрлар тайёрланади. Сон бор, лекин си-

фат масаласи чатоқроқ. Боз устига, журналистика факультетларидан учирма бўлаётган ёшларнинг воситалари марказда қолиб кетмоқда. Натижанда, вилоят ва туман газеталари, телевидение ва радиоканаллар, ахборот сайтларида маълум мутахассисларга ташналик юзага келган. Ишонманки, Журналистика ва оммавий коммуникация факультетининг фаолият бошлаши билан мазкур муаммо барҳам топади.

Жорий йилда Нукус давлат педагогика институтини тамомлайман. Журналистика бўлган ҳавасим ва интилимнинг аввалги йилларда кучайса кучайдики, асло суйайгани йўқ. "Ийит кишига етмиш хунар ҳам оз", дейди доно халқимиз. Ахир, ота-боболаримиз билим олиш, касб-хунар ўрганиши қанда қилмаган.

Севган касбининг сир-синаотларини ўрганишга не етсин. Насиб этса, Журналистика ва оммавий коммуникация воситалари университетиде таҳсил оламан. Қалами ўткир, сўзи кескир, икки-уч хорижий тилда бийрон сўзлашадиган журналист бўламан! Бунга ундаган Президентимизга ташаккур!

## ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ЁШЛАРИГА МУРОЖААТИ

Азиз ёшлар!  
Барчамизга яхши маълумки, аҳолининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этадиган мамлакатимизда уларга жуда катта имкониятлар, шариолатлар, имтиёзлар ва қўлайликлар яратиб берилмоқда. Бунга жавобан, ёшларимиз фан, таълим, маданият, спорт, ахборот коммуникация технологиялари каби кўплаб соҳаларда юксак натижаларни қўлга киритмоқда.

Мухтарам Президентимиз томонидан юртимизда 2018 йил "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинган ҳам ёшларимизнинг улкан салоҳиятига юксак ишонч эканидан далолат.

Бу — келажак бунёдкорларининг ғоя ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни амалий ишларга жалб қилиш ва баланд марралар сари олға интилишга бўлган даъватдир.

Афсуски, баъзи ёшлар яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланмай, билиб-билмай жиноят қўчасига

қираб қолаётгани кенг жамоатчилик вакиллари жиддий ташвишга солмоқда.

Гарчи 2017 йилда ёшлар ўртасида жиноятчилик даражаси 2016 йилга нисбатан 9 минг 698 тага ёки 14 фоизга камайган бўлса-да, республика бўйича 23 минг нафарга яқин ёш томонидан жиноятлар содир этилган, шундан 759 нафари ёки 3 фоизи академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиси, 273 нафари ёки 1,1 фоизи талаба, 8 минг 935 нафари ёки 36 фоизи ишламайдиган, жамиятда фаол бўлмаган шахс экани ачинарли ҳол. Бу мазкур соҳада олиб бораётган ишларимизнинг натижаси етарли эмаслигини кўрсатади.

Ёшлар ўртасидаги аксарият жиноятлар ҳуқуқий билимининг етишмаслиги ва бўш вақтини мазмуни ташкил этмаслиги натижасида содир этилмоқда.

Шундай экан, келинлар, азиз ёшлар, бўш вақтимизни ижтимоий фойдали машғулотларга сарфлайлик, китоб ўқийлик, касб-хунар эгаллайлик, жамиятга ке-

ракли ва савобли ишлар билан банд бўлайлик.

Мамлакатимиз ёшларининг тақлиф ва тавсияларини инобатга олган ҳолда 2018 йилни Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида Ёшлар жиноятчилигига қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактика ишларини самарали ташкил этишни устувор вазифа сифатида белгилайлик!

Қадрли ёшлар!  
Ҳаммамиз, биринчи навбатда, ўз тақдиримизга, шунингдек, тенгдошларимиз ҳаётига бефарқ бўлмаслигимиз лозим. Зеро, лоқайд инсон жамиятнинг душмани ҳисобланади.

Ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда маҳкам бир мушт бўлиб жипслашайлик. Тенгдошларимизнинг келажиги учун қайғурайлик. Ота-онамиз, жамиятимиз ва Юртбошимиз ишончини оқлайлик!

Хурматли ота-оналар, кенг жамоатчилик вакиллари!  
Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар

асосан фарзанд тарбиясига бефарқ муносабатда бўлиш натижасида келиб чиқаётгани айнаи ҳақиқат. Фарзанд тарбиясига, аввало, ота-она, ундан кейин эса, жамоатчилик масъул эканини асло унутмайлик.

Болаларимизнинг эртага ким бўлиши, қандай касб-хунар эгаллаши бугун биз қатори Сиз ота-оналарнинг ҳам масъулиятига боғлиқ эканини чўқур англайлик!

"Буюк келажигимиз эгалларини бирга асрайлик!" деган даъватни ўзимизга шиор қилиб олайлик.

Фарзандларимизнинг юриш-туришидан, дарсларга ўз вақтида бориб-келишидан, хулқи, одоби ва феъл-атворидаги ўзгаришлардан огоҳ бўлайлик.

Мухтарам Президентимизнинг "Ўз уйингни, ўз болангни ўзинг асра" дея таъкидланганидек, фарзанд тарбиясига эътиборни кучайтирайлик, тўғри таълим-тарбия олган бола эл қорига ярайдди, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликлар содир этилмайдиган мамлакат дунёдаги энг бахтиёр ва фаровон юрт бўлади.

## TASHABBUS

## Дилқушо НАВРЎЗОВА

Ички туризмни ривожлантириш мақсадида Ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши "Биз бир сафдамиз" шиори остида сайёҳлик лойиҳасини йўлга қўйди.

## ТАЪТИЛДА САЁҲАТГА ОТЛАНМИЗ



Унга, энг аввало, ички ишлар профилактик хисобиде турган воғеа етмаганлар, маънавий муҳити носоғлом ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари жалб этилган. Навросталар Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Кармана, Қонимех ҳамда Навбахор туманларидаги тарихий қадамжолар, маданият объектлари ва музейларни томоша қилиш имконига эга бўлмоқда.

Дўстларим билан Зарафшон шаҳридаги музейларни айландим, — дейди "Шодлик" Мехрибонлик уйида истиқомат қиладиган Азаматжон Хайдаров. — Менга, айниқса, қадимий қўлёзмалар ёқди. Уларнинг тарихи ҳақида кўпроқ маълумотлар олишга ҳаракат қилдим. Билдимки, ота-боболаримиз ўз вақтида буюк ишлар қилган экан. Мен аждодларим билан фахрланаман!

Янги лойиҳа доирасидаги саёхатлар давом этмоқда.

— Қишчи таътил кунларида

## AKS-SADO

## ҲАММАСИНИ ЎЗИДАН БИЛИБ ОЛДИК

Наргиза УМАРОВА ёзиб олди.

ЎзФА Астрономия институти етакчи илмий ходими, "Science Leader" халқаро мукофоти лауреати **Аҳмаджон Абдуҷаббаров** хориж сафарларида кўп бўлади. Ёш олим жаҳондаги етакчи илмий муассаса ва марказлар билан мустақам ҳамкорликни йўлга қўйган. Масалан, ҳозир Хитойнинг Фудан университетиде (дунё рейтингиде 40-ўринда туради) шартнома асосида фаолият олиб бормоқда.

— Мурожаатномада инновацион ёндашув асосида Муҳаммад Хоразмий ва Мирзо Улугбек номилари билан аталадиган, аниқ фанлар чўқур ўқитиладиган махсус мактаблар ташкил этилгани ҳақидаги жўлма эътиборимни биринчи навбатда тортди. Чунки ушбу жараёнда бевосита қатнашганман. Шу тўғрисида мазкур қарорнинг келажакимиз учун нечоғлиқ катта аҳамият касб этишини яхши англайман.

Ўз вақтида менга Андижондаги 10-физика ва математикага ихтисослашган мактаб-интернатиде тахсил олиш насиб этганди. У ерга ўқувчилар 8-синфдан, танлов асосида қабул қилинган. Таълим сифатига қаттиқ турлигани боис,

2017 йилнинг 22 декабрида мамлакатимиз Президенти Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасини Аҳмаджон **Шанхай шаҳрида** туриб онлайн эфир орқали кузатди. Уша муҳим, айтиши мумкинки, тарихий маърузани бошидан-охиригача диққат билан тинглар экан, чексиз ҳаяжон ва қувончдан юраги қанчалик зарб билан урганни яхши эслайди. Нега? Сабаблари кўп. Ҳаммасини ўзидан билиб олди.

хар йили фан олимпиадаларида энг олди ўринларни қўлга кириришди. Битирувчилар орасида олий ўқув юрталарига кириш кўрсаткичи ҳам жуда юқори бўлган. Асосийси, қўшимча дарслар олиш ёки репетиторга боришга ҳожат қолмасди. Мактаб-интернатиде берилган билимлар тест синовидан муваффақиятли ўтишимиз учун киёфоз эди. Лекин охириги вақтларда ўзим ўқигандек таълим даргоҳлари юртимизда бирмунча камайиб қолди. Бундан хафа бўлиб юрардим.

Тўғри, ҳозир барча худудларда ўнлаб академик лицейлар фаолият кўрсатмоқда. Бироқ уларнинг вазиет ва муҳит бошқача.

(Давоми 2-саҳифада)





HAYOT SABOG'I

ТИЛАНЧИННИНГ  
ҲАҚИ

Лайло ХАЙИТОВА



— Ким у? — безоргина сўради Умида дарвозага яқинлашар экан. — Садақа радди бало, балони қайтарар Худо... — эшик ортидан узундан-узун дуо ўқиган тиланчининг овози эшитилди. Умида хонадоннинг ёлғиз келини. Эри ишда. Қайнонаси тижорат мақсадида мол-матоқ олишга кетган. Узида пул йўқ, Эшикка келган гадоини эса, қуруқ қайтариб бўлмади. Жувон шуни ўйлаб, тиланчига эрталаб тандирдан узилган нон узатди. — Раҳмат, ризқинг бутун, давлатинг зиёда бўлсин, қизим. Хонадонинг бола-чакага тўлсин. Тиланчи нонни эндигина халтасига жойлаётган ҳам эдики, ос-

тонада қайнона кўриниш берди. Кўзлари ола-кула бўлиб, тиланчининг қўлидаги нонни шартта юлиб олди-да: — Балога йўлиққур, бор жўна! — деди ўшқириб. Келинига ҳам захрини сочди, шўрликни рўзгорини яримта қилаётганликда айблади. Умида донг қотди. Кўзларидан тирқираб ёш оқди. Ахир, қайнонаси топармон-тугармон бўлса. Егани олдинда, емагани ортида. Наҳотки, битта нонни тиланчидан қизганса! Шу топда тиланчидан тортиб олган нонни чойга бўктириб еяётган қайнонаси кўзига балодек кўринди. Эссиз... бу нон тиланчининг ҳақи эди-я...

Умида бошини эгган кўйи хонасига кириб кетди. Бироздан кейин ҳовлидан дод-вой эшитилди. Умида ташқарига отилиб чиқиб, қарасаки қайнона узала тушиб хириллаётган экан. Келинчақ нима қиларини билмай, кўшникига югурди. Зум ўтмай, кўшни хола пайдо бўлди. У қаттиқ-қаттиқ ўқиб, қорнини чангаллаб гингшиётган беморнинг дарду балоси оғирлигини айтди. Шоша-пиша ёрдамга етиб келган икки ҳовли наридаги ҳамшира қизнинг тез ёрдами беморни бироз ўзига келтирди... Узукун беҳол бўлиб ётган қайнона кечга яқин келган шум хабардан баттар гангиб қолди: мол-маҳсулотларининг ҳўжжатлари қалбакилиги, бу ҳам етмагандек, сифатга жавоб бермаслиги аниқланиб, ички ишлар идоралари томонидан йўлда ушланибди. ...Орадан бир неча ой ўтди. Қайнона топан-тутганини сотиб, машмашалардан зўрға кўтилди. Рўзгоридан барака, дастурхонидан тўкинлик ариди. Соғлиғидан айрилиб, ётиб қолди. Бир кунни дарвоза охирида тақиллаб, ташқаридан тиланчининг овози эшитилди: — Садақа радди бало, балони қайтарар Худо... Қайнонанинг юраги халпириб кетди. Жоҳолатда келинини чакирди: — Келинпошша, югуринг, тиланчи келди. Нон чикаринг, нон! Бу пайт Умида дастурхонда қолган охириг котган бурда нонни боласига тутқаётган эди...

YOSHLIK ILHOMI

ЁЛГИЗ ҚОЛДИРИНГ!

Муҳаббат ИСМАТОВА,  
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

Ойнинг нурларига оҳанг миниб, бу ҳовлида алла янгради. — Онаси, ўғлимиз ўхлаб қолди-ми? — Ухлаётгандир. — Телефонга ҳам кўникиб қолгандир-а? — Албатта, куну тун у билан бўлганидан кейин, ўрғанади-да! — Ҳа айтганча, яна янги рўсуми

чиқибди. Телевизорда кўрсатди. — Қанақаси, яхшимикан?! — Яхшиям гапми, зўр! Кейинги ҳафтадан болакай янги телефондан алла эшита бошлади. Вақт ўтган сари телефонлар алмашаверди. Бола эса тамоман жаҳлдор, чинқироқ бўлиб қолди. У тўрт ёшга тўлган: "Мени телефоним билан ёлғиз қолдиринг!" — деди.

Аҳмад Али ДИЛМУРОД,  
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

КЕЧИККАН ҲАҚИҚАТ

Бир йигит йўлдан кетаётиб, кўзи оғиз бир эркакка урилиб кетди. — Узр, — деди эркак...

УМИД

Куз. Сокин ҳаво. Барча ўз муаммолари билан банд. Уларга эса, ташвиш бегона. Сабаби бир-бирини болаликдан севади. Жуда каттиқ севади... Саргайган барглари ерга тўшаётган дарахлар ёнидаги йўлакдан икковлон қўл ушлашиб кетмоқда. Шу дам йўлдан катта тезликда автомобиль ўтиб кетди: — Қора автомобиль. Шу ранг жуда чиройли-да. Менга бирам ёқади, — деди йигит. — Йўғе, у оқ рангда эди-ку! — деди қиз ҳозиржавоблик билан. — Қора эди! — деди йигит қатъият билан. — Йўқ, оқ дедимми — оқ! — деди қиз бироз хўрсиниб. — Майли, қора эмас, оқ эди, узр, адашибман, — деди йигит уни юпатиш учун. — Ҳа, оқ! — деди қиз жилмайганча... Йигитнинг ҳассаси чуқурдаги сувга тушди: — Унгла қайрил, бу ерда сув бор экан, — деди қиз. Икковлон ўнг томонга бурилганча йўлларида давом этди...



"НАВОЙНИ АНГЛАШ" ВИКТОРИНАСИ

Мана, беш асрим дунё Алишер Навоидан сабоқ олади. Буёқ шоирнинг ўлмас меросини англаш, илгари сурган гоғларини чуқур мушоҳада этиш, шу аснода бугунги авлодни мутоз адабиётимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш гоғта муҳим аҳамиятга эга. Ҳазрат Навоий таваллудининг 575 йиллиги олдидан сиз, азиз ёшларни янги викторинамизда иштирок этишга чорлаймиз. Викторинанинг шарти қуйидагича: ҳар ҳафта эълборингизга муайян гезалдан икки мисра ҳавола этилади (гезални [www.yoshlarovozi.uz](http://www.yoshlarovozi.uz) сайтда тўлиқ ҳолда ўқийшингиз мумкин). Шу байта шарҳ ёзиб, [yoshlarovozi@umail.uz](mailto:yoshlarovozi@umail.uz) электрон почта кўтиси ёки "Telegram" ижтимоий тармоғидаги [@yoshlarovoziuz](https://www.instagram.com/yoshlarovoziuz) манзилга жавобингизни ёзиб. Энг кўп тўғри жавоблар йўллаган муштарий Навоий асарлари сайланмасини кўлга киритиши мумкин. Ғолиб гезатанинг 8 февраль сонида эълон қилинади. Шошилинг, Навоийни англамоқ фурсати етди!

1-САВОЛ.

Кўйининг эҳромидини кўйилурини ман этмангиз яна, Кўй, ани аёму ҳарам, аввалларига ўрғашмас. "Кўнглум ичра дарду ғам..." гезалидан олинган ушбу байта қандай маъно яширинган? Жавоблар 8 январгача қабул қилинади.

QATRA

Азиза АЛЛАЁРОВА,  
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

ИНСОН: — Мен омадсиз ва бахтсизман, доим барча ғалва менинг бошимда. Ҳаётимда бир бора бўлса ҳам бахтли яшаганимни сезмадим. БАХТ: — Барча инсоннинг ўз бахти бор, дейишди. Йўқ, ҳаммаси ёлғон, ҳаммаси мавҳум. САДО: — Бахт ҳеч кимни излаб бормаган. Ҳар ким уни ўзи топиши керак. Шунинг учун ҳам у ўз номи билан бахт. Фақат уни илоҳийлаштирма. Бахтни оддий кўз билан кўриб, қалб билан англаш мумкин. Эрталаб туриб бир пиёла зилол сув каби тонгни ичдингизми, оёқ-қўлингиз бутми — мана шу катта бахт!

"YOSHLAR OVOZI" TAQVIMI

12 январгача пойтахтимиздаги Тасвирий санъат галереясида "Анъаналардан илҳомланган санъат" кўргазмаси давом этди. Ташриф буюрувчилар юртимиз музейларида сақланаётган қадимги либослар, зарғорлик буюмлари ҳамда қалта намуналари билан танишиши мумкин. Экспонатлар Ўзбекистон давлат санъат, И.В. Савицкий номидаги Қорақалпоқ давлат санъат, Фарғона ва Самарқанд шаҳарларидаги ўлкашунослик музейлари, Ичан-Қалъа ҳамда Бухоро давлат бодий-меморлик музей-қўриқхоналаридан олиб келинган.

10 январда "Морд ўғлон" мукофоти учун аризаларни қабул қилиш жараёни бошланди. Мазкур мукофот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги қарорига биноан таъсис этилган. У фақат йигитларга тақдим этилади. Номзодлар 14 ёшга тўлган, лекин 30 ёшдан ошмаган бўлиши шарт. Талабдорлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамда маҳаллий ҳокимликлар томонидан тавсия этилиши мумкин. Ҳар бир ҳудуддан 2 нафардан вакил танлаб олинсин. Мукофот ҳар йили 30 июнь — Ёшлар кунни арафасида ўз эгаларига топширилади.

13 январь кунини Ўзбекистон миллий симфоник оркестри ўз мухлисига "Янги оламдан" деб номланган концерт дастурини тақдим этди. Ўзбекистон давлат консерваториясининг Катта залида ўтказиладиган муסיқий кечада Л.Бернштейн, А.Копланд, А.Дворжак ижодидан энг сара намуналар ижро қилинади. Дирижер — Форт Нейс давлат университети профессори Шоҳ Содиков.

25 январда Ташкент шаҳрида "Ёшлар билан мулоқот: муаммо ва ечимлар" мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Ташаббус Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигиндаги Республика ёш олимлар кенгашига тегишли. Анжуман бешта шўъба доирасида ташкил қилиниб, унда ўзбек ёшлари қаторида, мамлакатимиз олий ўқув юртлирида таълим олаётган хорижий талабалар, шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, БМТнинг Тараққиёт дастури, ЮНИСЕФ каби нуфузли халқаро тузилмалар вакиллари иштирок этиши кўтилмоқда.

Н.БАҲОДИРОВА тайёрлади.

Турк тилидан Камола РАСУЛОВА таржимаси.

Тавба, нимага энди бу нарсаларни ўйлабман? Бу кеча ўша аччиқ хотираларни ёдимга солган нарса нима ўзи?... Ҳозир хонамданман. Бошим сал оғриб турибди. Тўғриси, ортиқча ичиб юборибман. Бир мавҳум хис, тушунарсиз туйғу менга тинмай ўтмишни эслаб туради. "Оҳ ёлғизлик, ёлғизлик", — дейман ўзимга-ўзим. Бир умр мен телбаларча севган бу ҳаёт деганларни ўзининг бутун беъмаъниликлари, азоб-ўқубатлари билан кўз ўнгимдан кетмайди. Оиламни ўйласам... Ҳозир нима қилишайётган экан?... Овқатланиб бўлгандир... Отам бир бурчакка ўтириб олиб, газетасини ўқийётган бўлса керак. Онам, менинг меҳрибон онажоним, ҳойнаҳой, бирон нарса тикиш билан оворадир. Укаларим ҳали ҳам овқат машмашасидан бўшамаган, биронтаси сал кўпроқ овқат еб юрган бўлса, шовқин-сурон билан уни масҳарга қилиб, бидирлашайётгандир. Мушғулимизнинг оти Олимс эди. Айни вақт бўш стул устига чиқиб, белини осма кўприк қилиб қеришганча, болаларни томоша қилаётган бўлса керак. Қандай бахтли улар... Мен эса, анча олисда, ичган пивомнинг майин кайфидан бошим оғриб, дардларимни қозога тўкиб ўтирибман... Оилам аъзолари мендан узокда хотиржам ҳаёт кечирапти... Оҳ, бу ҳаёт, не кўйларга солди мени! Бу оғир, бу аччиқ ҳаёт!.. Бесамар ўтган йилларим... Истанбулнинг бир чеккасида жимжит, зулмат ичра унутилган бир маънос гўша... У ерда кечган бир йил умримга ачинаман. Эссиз... "Бейўғли"да (Истанбулнинг "Таксим" мавзесидаги энг гавжум маҳалла —



ASLIYATDAN TARJIMA

Умар Сайфиддин

ОЙ ОХИРИДА

(Мактаб ўқувчисининг хотира дафтарида)

изох таржимон) ўтган нотинг туларим... Бу ердаги хонам, йигирма икки ёшли йигитнинг эҳтирос ва ҳаяжон тўла юраги... Севги, қанийди бирон инсонни севиб қолсам!.. Ҳа, фақат биргина инсонини... Балки, ўшанда ғам-ташвишлар ариб, бахтли бўлардим... Артемис, Мелпомен, ҳатто Люси ва Олимпия — ҳамма-ҳаммаси унутилиб кетди. Барчаси хомхаёл, эртаска айланди. Ким билсин, эҳтимол, шу топда Артемис дўстлари билан мухташам уйда хансираб югураётгандир. Мелпомен эса, ўзининг мотам сукунатига чўмган уйда қўйлак тикиб ўтирибдимикан?... Люсининг пианиносидан янграган куй нағмаси қўлогимни қоматга келтиради. Олимпия кўчанинг ўртасига чиқиб олиб тинмай қаҳқаҳа отади. Аммо мен ёзишдан тўхтамайман, ҳеч бирига элбеггани, манманлик энг катта гуноҳ эканини ётиги билан тушутирсин. Бордию, бу усул ҳам қор қилмаса, ўша ходимнинг ҳар қандай хатти-харакати гап-сўзига бефарқ бўлишдан ўзга чора қолмайди. Ҳар-ҳар замонда устидан кинояли кулиб қўйсангиз ҳам майли. Эс-ҳуши жойида одам бундай муносабатдан озорланади. Азобига чидалмай, охири, манманлик иллатини буткул тарк этиши мумкин. Унутманг: калондимоғидан кейинги қадам — агрессия. Бу эса, характернинг деструктив, яъни шахсни ичдан барбод этувчи хусусиятларидан биридир.

бор. Янги ойгача ҳали уч кун қутиш керак! Уч кун амаллаш керак!

Бу оқшом ҳеч кимни кўрмадим, ҳеч ким билан гаплашмадим, сукулим Айдомга ҳам эълбор кўрсатолмадим, унга берган ваъданинг устидан чиқмадим. Барвақт бу ерга, хонамга келдим. Кейин ача пуларни ўйлай-ўйлай, ёзишга аҳд қилдим. Аммо нега? Нима учун?..

Чунки пулим йўқ... Энди тушуниб етдим... Мени қайғуга солган, хаста қилган, ўлдирётган нарса шу экан. Нега мен бой бўлмастим керак? Нега мен ҳам бошқалар каби резина гилдиракли машиналарда бутун "Бейўғли" халқининг кўзини ўйнатиб, Гранд Руедан ўтмаслигим, нима учун ҳар оқшом Токатландия, Янида, ўша латиф, музайян столларнинг тўрига чиқиб, иштаҳани қитилқовчи таомлар, нафис шароблардан баҳраманд бўлмастим керак? Нимага?! Менинг нима гуноҳим бор, ахир?..

Боши кал, қорни меъшдай, борозда ўтириб, нукул шакарнинг нархи ача пулиги, пахтанинг баҳоси қанчага кўтарилганидан гапирувчи олифта савдогар, қўлини совуқ сувга ўрмайдиган, пешона тери билан пул топмайдиган, эртанги кунини ўйламайди, лекин жарак-жарақ миллионларга эга бўлган бир исрофгар, олифта меросхўрни кўрсам... Ҳайронман, буларни мендан нимаси ортиқ? Пул, пул, яна пул... Эй бир парча қоғоз, нега мендан бунча кўрқиб қочсан?! Гапимга ишон, агар сен қўлимга тушадиган бўлсанг, балки, энг ҳалол қўлларда бўласан... Ҳайҳот!.. Чўнтақларимни қовлайман: агар бир чеккасида қилиб кетган ўн курушлик танга топа олсам... Қанийди, чиқа қолса. Бор-ўйи тўртта ўнгаллик, уллардан ҳам бирининг ёзуварини ўчиб кетган... Эҳ, бечора пулларим... Эҳ, бечора мол-дунём!..

PSIXOLOG MASLAHATI

— Ҳамкасбим жуда калондимоғ одам. Яқинда ишга келган бўлса-да, ўзини ҳаммадан устун қўяди. Бироздан ўргангиси ёки маслаҳатини қулққа илгиси йўқ. Бундай ҳолат жамоамизнинг ишчанлик кайфиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Манманликка қарши чора бормикан?

IBRAT

БЕШ ДАҚИҚА ҚУВОНЧИ

Бог. Ўйингоҳ атрофида ўтирган эркакнинг ёнига нотаниш аёл келиб ўтирди. — Анави менинг ўғлим, — деди у ағримчоқда учаётган болани кўрсатиб. — Велосипеддаги оқ қўйлақли қизалоқ эса, меники, — деди эркак. Шу дам соатига қаради, қизини чакирди: — Мелисса, уйга қайтамиз! — Дадажон, илтимос, яна беш дақиқа рухсат беринг. Ота бош иргайди. Қизалоқ велосайрини давом эттирди. Бир неча дақиқа ўтган, ота яна қизини чақира бошлади. — Энди кетсак бўлар, қизим? Мелисса яна беш дақиқа қутишни илтимос қилди. Ота жилмайганча рози бўлди. Вазиятни кўриб турган аёл эркакка қараб: "Жуда сабрли ва меҳрибон ота экансиз", — деди. Ҳамроҳи мийғида қилиб қўйди-да, ҳазин овозда сўзлай кетди: — Тўнғич фарзандим Томми ўтган йили шу ерда велосипед учаётиб, автоҳалокат қурбонига айланганди. Ўғлимга ҳеч қачон етарлича вақт ажратмаганман, бу армоним бўлиб қолди. Шу боис қизимга беш дақиқа кўпроқ меҳр беришдан қувонман. У велосайр учун яна беш дақиқа сўрапти. Аслида бундан ютадиган мен. Сабаби фарзандимни узокроқ вақт қузатиб, завқланишим мумкин.

Бехзод АБДУРАҲМОНОВ таржимаси.

Хуснида ЗУФАРОВА  
Янгийул тумани

Саволга амалиётчи психолог Лўқмон КАЗАКОВ жавоб беради:

— Манманлиқнинг давоси бор. Лекин инсон шу иллатга дучор бўлганини, аввало, ўзи англамоғи даркор. Баъзилар бир-икки

МУАССИС  
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
БОШ МУҲАРРИР  
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ  
Қамолдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзаёнов, Ноаир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Санжар Исматов — масъул котиб ("Yoshlar ovozi"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар  
Рўзиев Зафар  
Хусанович  
Абдуллаев Хушид  
Уктамжонович  
Навбатчи  
Жавлон Вафоев

«YOSHLAR OVOZI» да  
материалларни кўчириб  
босиш тахририят  
руҳсати билан амалга  
оширилиши шарт.  
Тахририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва  
муаллифларга  
қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Ташкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.  
(371) 233-79-69 (факс).  
E-mail: [yoshlarovozi@umail.uz](mailto:yoshlarovozi@umail.uz)  
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2  
босма табак. Қорхона манзили: Буёқ Турон кўчаси, 41.  
Индекслар: 203, 3203  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Буюртма Ғ-136.  
Адади — 24114  
Босишга тошлар вақти — 21.00  
Товарлар — 02.05  
Ўза кўчи — 02.00  
Объект ҳисобига боғланган.  
1 2 3 4 5